

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ АЛИШЕР  
НАВОИЙ НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ  
института**

*Кўлэма ууқуқда* УДК 811.512.133\*373.46

**АХДТОВА МАҲБУБА САЛИМОВНА**

**УЗБЕК ТИЛИНИНГ ЁҒОЧСОЗЛИК ТЕРМИНОЛОГИЯСИ**

**10.02.02 -ўзбек тили**

**Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун такдим  
этилган диссертация**

**А В Т О Р Е Ф Е Р А Т Е**

**Тошкент - 2004**

Тадқиқот ЎЗР ФА А.Навоий номли Тил пп иднбиМт ииститутида  
бажарилган

Илмий раҳбар -филолотя фпшшрндоктори,  
профессор РДОПИЁРОВ

Расмий оппонентлар: -филолотя фанлйридоктори,  
профессор Ҳ. ШАМСИДДИНОВ

-филология фаилари помзоди, доцент Қ. САПАЕВ

Етакчи илмий муассаса - Самарканд Давлат Университет

Диссертация ҳимояси 2004 йил (Ч<,ойининг ±£\_ куни соат IV'

да. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номида  
Тил ва адабиёт институт хузурида ДК 015.04.02 рақамли фан доктори илмий  
даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Ихтисослашган  
кенгаш йиғилишида ўтказилади.

Манзил: 700170, Тошкент шақри, И.Мўминов кўчаси, 9-уй.

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар акадсмиясининг  
Асосий кутубхонасида танишиш мумкин.

Манзил: 700170, Тошкент шаҳри, И.Мўминов кўчаси, 13-уй.

Автореферат 2004 йил См.п.Л ойининг Ц\_ купила тарқатилди.

**Н.МАҲКАМОВ**

Ихтисослашган кенгаш илмий котиби, филолотя фанлари номзоди

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбек тилшунослигида адабий тил лексикаси соҳаларининг терминшогик системалари, халқ сўзлашув нугқи ва шевалари лугат бойлигини ўрганиш бўйича талай тадқиқотлар амалга оширилган: номзодлик, докторлик диссертациялари<sup>1</sup> ҳимоя қилинган, кўплаб монографиялар ва рисоалар нашр этилган, қатор мақолалар ёзилган. Бирок, ўзбек тили луғавий бойлиги бутун бир система дейилса, бутуннинг бир қисми сифатида тадқиқ қилиниши лозим бўлган қатор лексик катламлар ўз ечимини кутмоқда. Ҳозирги кунда техникалашган, механизациялашган илгор саноатга айланган, халкининг ёғоч буюмларга, уй жиҳозларига бўлган эҳтиёжини қондирувчи соҳада қўлланиладиган ёғочсозлик терминологияси шундай қатламлардан биридир. Айрим ишлар таркибида ёғочсозликка оид терминлар ҳақида баъзи маълумотлар бериб кетилган<sup>1</sup>. Лекин ўзбек тилининг ёғочсозлик лексикаси ҳанузгача яхлит бир терминологик система сифатида тадқиқ этилган эмас.

Ёғочсозлик лексик системаси дейилганда, дурадгорлик, ёғоч ўймакорлиги, мебелсозлик каби йигирмага яқин ёғоч иши билан шуғулланувчи соҳаларда ишлатилаётган, яъни ёғоч маҳсулотлар, ёғочсозликдаги хилма-хил касб-кор эгалари, иш жараёнлари номлари ва ҳоказоларни ифодаловчи лексемалар тушунилади.

Ўзбек тилининг ёғочсозлик терминологияси таркибида узок ўтмишда қўлланган ва ҳозирда ҳам ишлатиб келинаётган кўплаб луғавий бирликлар мавжуд. Даврлар ўтиши билан айрим ёғочсозлик лексемалари маъноларида муайян ўзгаришлар рўй берган, кўплаб янги атамалар пайдо бўлган.

"Ёғочсозлик" тушунчаси қуйидаги таърифга эга: "Ёғоч тилиш, ёғочдан турли буюмлар яшаш касби"<sup>2</sup> (ўзбек тилида нисбатан кейинги даврда пайдо бўлган *ёғочсозлик* ўрнида *дурадгорлик* лексемаси ҳам ишлатилган). Ёғочсозлик жуда қадимий касб-хунар тури бўлиб, илгор фан-техниканинг ривожланиши ушбу тармоққа ҳам таъсирини ўтказмай қолмади ва ХХ асрнинг 50-йилларидан бошлаб бу соҳа механизациялашган саноат соҳасига айланиб борди. Унинг таркибида *уйсозлик*, *аравасозлик*, *цайиқсозлик*, *жавонсозлик*, *эшиксозлик*, *бешиксозлик*, *сандиқсозлик*, *панжарасозлик*, *мебелсозлик* каби соҳалар мавжуд. Кўрсатилган ҳар бир соҳа ўзининг махсус лексик бирликларига эга. Шунингдек, бу соҳаларда фақат ёғоч хом ашёсига ишлов берилганлиги сабабли, ҳамма соҳалар учун умумий бўлган терминлардан ҳам фойдаланилади.

Ўзбек тилининг ёғочсозлик терминологияси ҳозирга қадар махсус тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Аниқроғи, терминология таркибига кирган луғавий қатлам тўпланиб, лингвистик нуқтаи назардан таҳдил этилмаган.

Булар тадқиқотимиз мавзусининг долзарб эканлигидан далолат беради.

Ишнинг мақсад ва вазифалари. Тадқиқотнинг кўши тутилган асосий

<sup>1</sup> Сапаев К. Строительная терминология узбекского языка: Автореф. дис. ...канд.филол.наук - Ташкент, 1984; Турсунова Т. Меъморлик термшарининг лексик-грамматик тадқиқи. - Тошкент, 1984; Гафурова Л. Ийтовая лексика современного узбекского языка. - Ташкент, 1991; Тўракулов О. Кўкон ва унинг атрофидаги кишлоқларда уй қурилишига оид сўзлар. //Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. - Тошкент, 1979. - 55-72 беглар.

<sup>2</sup> Ўзбек Совет энциклопедияси. 14 жилдик. 5-жилд. - Тошкент, 1973. - 270-бет.

мақсад ўзбек тилидаги ёзма манбаларда кайд этшпан, опаки путкда қўлланаётган ёгочсозлик терминологиясининг асосий фоидипи, уларнинг лугавий-маъновий гурухдарини, ёгочсозлик лексик бойлишини шаклланиш ва тараққиёт йўлларини аниқдаш ҳамда адабий тилда туташ ўрнини белгилаш кабилардан иборатдир. Мазкур мақсадни амалга ошириш учун ншда куйидаги масалаларни ҳал этиш кўзда тутилди:

а) ҳозирги ва қадимги ўзбек адабий тилида, аниқроқ қилиб нйтгагша, адабий-тарихий асарларда, ёгочсозликка дойр дарслик ва қўлланмалар, газета ва журналлар материалларида, лугатларда ўз ифодасини топган ёгочсозликка алоқадор лексик бирликларни йиғиш, уларни тартибга солиш ва системалаштириш, шарҳдаш;

б) ёгочсозлик терминларининг мавзуй гурухдарини аниқдаш, улар ўртасидаги муштарак ва номуштарак хусусиятларни ўрганиш;

в) ёгочсозлик терминларининг умумтил таркибвидаги ўрнини белгилаб, яхлит бир система шаклида таҳдил қилиш;

г) ёгочсозлик терминологияси таркибвидаги лугавий бирликларнинг тарихий-этимологик қатламларини аниқдаш;

■д) ёгочсозликка оид терминларнинг ясалиш усулларини ўрганиш, бошқа системалардагидан фарқи жиҳатларини ёритиш;

е) ёгочсозлик терминологиясидаги синонимияни ўрганиш ва бу борадаги камчиликларни бартараф этиш юзасидан фикр юритиш, муайян тавсиялар бериш;

ж) ёгочсозлик терминологиясидаги вариантдорликни аниқлаб, уларнинг оптимал вариантларини қўллаш учун тавсия этиш;

з) лугатларда ёгочсозлик терминлари талқинидаги хилма-хилликларни аниқдаш ва уларни тартибга келтириш бўйича фикр-мулоҳазалар билдириш;

и) мавжуд лугатларда акс эттирилмаган ёгочсозлик терминларининг изохди лугатини тузиш ва илова қилиш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Тадқиқотнинг илмий-назарий янгилигини куйидагилар билан белгилаш мумкин:

- ёгочсозлик терминологияси ўзбек тилшунослигида ил к бор яхлит бир система сифатида монографик плагша тадқиқ этилди;

- эволюциясига урғу берилган ҳолда айрим терминларнинг тарихан таркиб топишига эътибор қаратилди, яъни генетик қатламлари аниқданди;

- ёгочсозликка оид тушунчаларни ифодаловчи терминлар аниқданиб, уларнинг жамулжами яхлит лексик қатлам сифатида ёгочсозлик терминологиясини ташкил этиши исботланди;

- ёгочсозликка оид терминларнинг ясалиш усуллари, ўзига хос номланиш хусусиятлари, морфологик таркиби тадқиқ қилинди;

- ёгочсозлик терминологиясининг ўз ва ўзлашма қатлами аниқданди;

- ёгочсозлик терминологиясидаги синонимия ҳақида сўз юритилиб, уларни бартараф этиш йўллари кўрсатиб ўтилди;

- ёгочсозлик терминологиясидаги вариантдорлик аниқданди ҳамда уларнинг оптимал вариантини қўллаш юзасидан аниқ таклифлар киритилди;

- айрим лугатларда ўз ифодасини топган ёгочсозлик терминлари

талқинидаги хилма-хилликлар аниқданиб, уларни тузатиш юзасидан мулоҳазалар билдирилди;

Иш давомида ёғочсозлик терминологиясида мавжуд айрим ноаниқликлар ҳам аниқданиб, уларни бартараф этиш масалаларига эътибор берилди. Асосий лугатларга киритилмай қолган ёғочсозликка дойр 260 та фаол лугавий бирликдан иборат қисқача «Изоҳди лугат» илова қилинди.

Тадқиқотнинг методологик <sup>4</sup>асос ва усуллари. Диссертациянинг методологик асосини диалектик материализмнинг хулоса ва материаллари ташкил этади. Унинг асосий қонуни ва категорияларига асосланилган ҳолда лисоний тадқиқотни тўғри амалга ошириш учун йўл очилади.

Тадқиқотни амалга оширишда, асосан, кузатиш ва қиёслаш, лексикани, хусусан, терминологияни система сифатида тадқиқ этиш, қиёсий-тарихий, тавсифий, генетик таҳдил қилиш усуллари қўл келиши аниқданди. Ёғочсозлик терминологиясидаги лугавий бирликларнинг генетик таркибини белгилаш, бу системада терминлар миқдори қакида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш каби мақсадларда тадқиқ этишнинг статистик тамоийилларидан ҳам фойдаланилди.

Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти. Ишнинг назарий ва амалий қимматини куйидаги ҳолатлар билан белгилаш мумкин:

а) тадқиқотда эришилган натижа ва хулосалар ўзбек тили лексикологияси ва терминологиясининг назарий асосларини имкон қадар тўлдириш учун хизмат қилиши мумкин;

б) тадқиқот натижасида эришилган назарий хулосалар ва ўрганиш объекти бўлиб хизмат қилган материаллардан филология факультетларида махсус курс машғулотларини ўрганиш, диплом ва курс ишларини бажаришда фойдаланиш мумкин; ишнинг яна бир қиммати унинг ўрта махсус ўқув юртлари, хунар-техника коллежлари, ўрта мактаблар учун соҳага оид дарслик ва қўлланмалар яратиш ишига ҳам ёрдам бериши мумкин.

Тадқиқотнинг манбаи. Қадимий туркий ёзма ёдгорликлар, лугатлар, дарслик ва қўлланмалар, газета ва журналлар, бадиий адабиётлар ва бошқа манбалардан тўпланган, ҳамда ёғоч иши билан боғлиқ бўлган касб эгалари нутқидан ёзиб олинган лисоний материаллар тадқиқотнинг манбаи бўлиб хизмат қилди. Ишнинг асосий материални кўрсатилган манбалардан тўпланган мингта яқин термин ташкил этди.

Диссертация натижаларининг жорийланиши. Иш юзасидан республика миқёсидаги газета ва илмий журналларда 5 та мақола эълон қилинган ва Қарши Давлат Университети профессор - ўқитувчиларининг анъанавий илмий - назарий конференцияси (Қарши, 2001, май), республика ёш тилшунос олимларининг анъанавий илмий конференцияси (Тошкент, 1999) да ҳам иш борасида айрим мулоҳазалар баён қилинган,

Ишнинг тузилиши. Диссертация ишнинг умумий тавсифи, уч боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар, ахборотчилар ҳамда шартли қисқартмалар рўйхатларидан иборат. Ишга ёғочсозликка оид 260 та лугавий бирликдан иборат «Изоҳди лугат» илова қилинди.

**ИШНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Диссертациянинг биринчи боби “Ёғочсозлик терминларининг шаклланиш тарихи ва уларнинг мавзуй гуруҳдари” деб номланган.

Ўзбек тилида қадимдан "ёғочдан иморат па бошқд ҳир-хил буюмлар ясовчи ҳунарманд" маъносида *дурадгор* ва *нажжор* сўзларн ншлнтнб келинган. Улар негизида *дурадгорлик* ва *нажжорлик* терминлари ҳосил бўлш. Ксйинги пайтларда уларнинг ўрнида *ёғочсоз* ва *ёғочсозлик* термиилари кпм ишлатила бошланди. С.Маҳкамов ёзади: "Бу соҳаларда ёғочга ишлоп борувчи касб эгаларини дурадгор (столяр), бинокор дурадгор (плотник), мсбелсоз (мебельщик)<sup>1</sup> деб атаймиз"<sup>1</sup>. Бу фикрдан *дурадгор ёғочсозга* нисбатан апчагина торроқ маънога эгалиги, "дурадгорлик" "ёғочсозлик" тушунчасиинг бир қисми, тармоги эканлиги кўриниб турибди. Бинобарин, ёғочсозлик ёюч иши билан шугулланувчи соҳалар учун умумий термин сифатида масалаинг моҳиятини тўғри ифодалай олади. Унга қуйидагича таъриф бериш мумкин: «Саноатнинг ёғочга механик ишлов бериш — ундан мақсулотлар тайёрлаш, қурилишда ёғоч ишлари билан шугулланадиган соҳаси».

Ёғочсозлик лексемаларининг шаклланиш тарихи узок, ўтмишга бориб тақалади. Масалан, Махмуд Кошгарийнинг "Девону луготит турк"<sup>2</sup> (ДЛТ) асарида юздан ортиқ ёғочсозликка доир лексемалар қайд этилган. Улар ёғочдан ясалган хилма-хил нарса-предметларни ифодаловчи терминлар ҳисобланади. Терминсистеманинг архисемаси, гипоними *ёғоч* ДЛТда *Јгач* шаклида "ўсимлик" маъносида қайд этилган (*узум Јгач*, *Јагақ ЈгачI* - ПI, 14- 18). ' Асарда *аруклук* у7г«(1,462)(устунбоп, харибоп ёғоч) бирикмасининг киритилганлиги мазкур терминнинг ўтмишда "хом-ашё" маъносида ҳам қўлланганлигини тасдиқлайди.

ДЛТда ўз ифодасини топган ёғочсозлик терминларини тарихийлик нуқтаи назаридан икки гуруҳга бўлиш мумкин: 1. Ҳозирда қўлланмаётган, яъни архаик лексемалар: *ҳанга/ҳануг* (эшик), *оқ* (тўсин, хари), *эма* (уйнинг тоқиси, вассаси), *а/агу* (чодир асоси), к/з I (кутича), *юз* II (сандик) ва б. 2. Ҳозирда ҳам қўлланаётган лексемалар (айримлари фонетик фарқдар билан): *бешI'к*, *қайгIқ/II\$а]гуқ*, *кем*, *Јгач* ва б. Шунингдек, ДЛТда қайд этилган айрим лексемаларнинг маъносида ўзгаришлар ҳам рўй берган. Масалан, асарда *Элик* "остона" маъносида қўлланганлиги кўрсатилган (I, 78). Ҳозир эса бу лексема айнан ушбу маънода ишлатилмайди.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан кейин ўзбек тилида бир қатор янги ёғочсозлик терминлари ишлатила бошланди. *Усталба* (<столб), *мшкоф*(<шкаф), *парта*, *ром*(< рама, рамка), *тилигроф ёғочи*, *русия сандали*(<стол сўзининг ўзига хос калькаси) ва б. шулар жумласидандир.

XX асрнинг 80-90 йилларидан бошлаб ўзбек тилшунослигида терминологияни система сифатида тадқиқ этишга алоқида эътибор берила бошланди. М.Нарзиева, Ҳ.Неъматов, Р.Расулов, Р.Сафарова, Г.Неъматова, Ш.Искандарова кабиларнинг ишларида терминологик системаларни «тематик гуруҳ» нуқтаи назаридан тадқиқ этиш систем лексикологиянинг янада такомиллашувига, бу борадаги узлуксизликни таъминлашга хизмат қилиши мумкинлиги таъкидланган.

<sup>1</sup> Маҳкамов С. Ўқув устахоналарида ўтказиладиган амалий машғулотлар. - Тошкент, 1991. - 6-бст.

<sup>2</sup> Кошгарий Махмуд. Девону луготит турк. III томлик. - Тошкент, 1960\*63.

Ишда ёғочсозлик терминларининг қуйидаги гуруҳлардан иборат эканлиги аниқланди:

I. Касб-кор эгаларини англаувчи терминлар. Ўзбек тилининг ёғочсозлик терминлари сирасида иш бажарувчи шахс номларининг ўз ўрни бор. Унинг архисемаси *ёғочсоз* термини билан ифодаланади. У нисбатан кейинги пайтларда - XX асрнинг 50 - йилларида қўллана бошланди. Унинг таркибини *аравасоз, жавонсоз/Аикафсоз, мебелсоз, панжарасоз, эшиксоз, эгарсоз, элаксоз, сандиқсоз* каби терминлар ташкил этади.

II. Касб-корни ифодаловчи терминлар. Бу мавзуй гуруҳдаги терминларнинг сони ўттизтага яқин бўлиб, улар *мебелсозлик, дурадгорлик, ёғочсозлик, панжарасозлик* кабилардан иборат.\*

III. Иш жараёнини ифодаловчи терминлар. Ёғочсозликда иш жараёнини ифодаловчи лугавий бирликларнинг сони юзтадан ортиқдир: *пардозлаш, вассалти, уя ўйиш, белама бериш, очиқ уя очиш* ва б.

IV. Маҳсулот номини ифодаловчи терминлар. Ёғочсозлик саноати маҳсулотлари жумласига *арраланган ёғочлар, фанер, ипал, ёғоч тўсин, мебель, яшик, бочка, чанги, ёғоч плита, гугурт, шкаф, ички кийимлар шкафи, китоб шкафи, кийим-бош шкафи, ошхона шкафи, стол, ёзув столи, ўқувчи столи* кабилар киради.

V. Ёғоч конструкцияларни ифодаловчи терминлар. Конструкция дейилганда, исталган бир объект, масалан, иншоот, механизм, иморат кабиларнинг тузилиши, ундаги қисмларнинг ўзаро жойлашуви тушунилади. Конструкция бевосита ёғочсозликка ҳам алоқадордир. Айни шу соҳдаги ёғоч конструкцияларсиз тасаввур қилиш қийин. Улар қуйидаги терминлар билан ифодаланади: *пластинка чўп, михли тўсин, айқаш деворли тўсин, михли арка.*

VI. Ёғочсозликда ишлатиладиган асбоб-ускуналарни ифодаловчи терминларга *ранда (оддий ранда, закрое ранда, жипс ранда, букри ранда), арра (саржин арра, дастарра, қирқувчи (тилувчи арра)* кабилар киради.

Ишнинг «Ёғочсозлик терминларининг таркиб топишида ички ва ташқи манбаларнинг ўрни» деб аталган иккинчи боби икки бўлимдан иборат. Биринчи бўлим «Ёғочсозлик терминларининг таркиб топишида ички манбаларнинг ўрни» деб номланган.

Ёғочсозлик терминологиясида асосий тушунчаларни ифодалаш мақсадида, асослар (ўзак-негизлар)дан иборат терминлардан фойдаланиб келинмоқда. Соҳада *ёғоч, тахта, пайраха, курси, дарвоза, эшик, устун, болор, хари* каби туб терминларнинг сони элликтага яқин. Бундай терминлар ясама, бирикма, қўшма терминларни яшаш учун асосий "база" ҳисобланади.

Ёғочсозлик терминологиясида термин ясалишининг қуйидаги турларидан фойдаланилганлиги аниқланди.

Термин ясалишининг семантик усули. Ёғочсозликка дойр лексемалар: соф семантик, семантик-синтактик усуллар билан ясалган.

Терминлар ясалишининг соф семантик усулида бир соҳа терминологиясининг «мулки» бўлган лугавий бирлик унинг маъносини метафорик кўчириш асосида иккинчи бир соҳага ўтади. Масалан, *қовоқ* лексемаси ботаника соҳасида термин сифатида ишлатилади. Бу лугавий

бирлик ёғочсозликда «эшик, дераза, токча ҳамда меҳробнинг устки кисмига ўрнатилган ёғоч кием» маъносини ҳам ифодалайди: *"Пойдеворнинг устига ётқизиладиган ёғоч... Арча пойдевор устига икки ҳатор қўйилса, қўш арча, қўш чорчўп номини олади"*.

Гўша термини ёғочсозликда "уй бурчакларидаги ёғоч устунлар" маъносини ифодалаб келади. Унинг умумий тилдаги мазмуни эса бошқача: "одамлар назаридан узок. ер, овлоқ, жой, бурчак, пучмоқ; фақиропп турар жой, бошпана, кулба".

Ёғочсозлик соҳасида маъносини кўчириш йўли билан ҳосил қилинган яна катор терминлар мавжуд: *боз* (уйнинг токчаси, меҳроби учун қолдирилган жойи ёнидаги усгунлар; Хоразм шеvasида *йон оғоч* деб аталади)<sup>1</sup>, *қалам* (айвон тўсинларининг харидан чиқиб турган қисми; тахта ёки фансрдан ясаладиган новни ўрнатиш учун ишлагилади), *тароқ* (ёғочдан ясалпш тароқсимон асбоб), *тилча* (синчнинг икки учидан махсус ксиб кичрайтирилган қозиқсимон қисм; форсча *забонак* деб ҳам аталади), *мола* (лой кесишда ишлатиладиган ёғоч пичоқ), *қовурга* (синчли деворнинг ёғоч кисми).

Термин ясалишининг лексик-синтактик усули. Термин ясалишининг лексик-синтактик<sup>2</sup> усули дейилганда, бирикманинг бир компоненти юкоридагидай тарэда маъноси кўчган сўздан, қолгани эса шу соҳа терминидан иборат луғавий бирликнинг ҳосил бўлиши тушунилади. *Эркак чорчўп, лўла болор, карнай устун, киндик қозиқ, пилта васса, тирноқ чиқариш, қулоқ очии* кабилар шу усулда ясалган терминлар ҳисобланади.

Термин ясалишининг морфологик усули. Мазкур соҳада морфологик усул билан термин ҳосил қилиш фаолроқ бўлиб, бунда қуйидаги аффикслар кўпрок. иштирок этган: а) -соз: *ёғочсоз, эшиксоз, деразасоз* \ б) -и(ш): *улаш, узайтириш*; в) -лик: *дурадгорлик, панжарасозлик; тўсинлик, сарровлик* \ г) -к (к): *курак, қипиқ*; д) -чи: *сандиқчи, саватчи*.

Ёғочсозлик ва у билан боғлиқ нарса предметлар кишиларнинг яшаш тарзида, кундалик турмуш кечиришида муҳим роль ўйнайди. Шу сабаб, ушбу соҳага оид лексемалар кенг истемолда бўлиб келмоқда. Демак, бу сўзлар ҳам имкон қадар луғатларда ўз ифодасини топиши лозим эди. Бироқ, масалан, -лик аффикси иштирокда ясалган ёғочсозлик лексемалари ҳақида гап кетганда, ЎТИЛда иккита хатога йўл қўйилганлигини айтиш мумкин.

1. -лик аффикси иштирокида ясалган асосий терминларнинг бир талайи ЎТИЛда ўз ифодасини , топмаган: *жавонсозлик, бешиксозлик, ромсозлик*.

2. -лик аффикси иштирокида жой ёхуд ёғочсозлик устахоналари, яъни расталарнинг номлари ҳам ясалиши мумкинлиги лисоний далилдир: *кемасозлик, ёғочсозлик* каби. ЎТИЛда уларнинг касб-хунар мутахассислиги маъносини англатиши қайд этилган, лекин бундай терминларнинг "жой" маъновий семемаси ўз ифодасини топмаган.

Терминшунос В.П.Даниленко ёзган эди: "Қарийб барча соҳа

<sup>1</sup> Тўрақулов О. Қўхон ва унинг атрофидаги...// Кўрсатилган асар. - 64-65-бетлар.

<sup>2</sup> Мазкур термин илк бор З.Мирахмедова томонидан таклиф этилган. Қаранг; Миракмедон З. Ҳозирги ўзбек тилининг анатомик терминологияси. филал. фанлари номз. ... дисс. - Тошкент, 199\*1. • 150-бет.



терминологиясида бирикма терминлар микдор жиҳатидан асосий ўринлардан бирини эгаллайди"<sup>1</sup>. Ўзбек тилининг соҳавий лексикаси тадқиқ этилган ишларга мурожаат қилинганда, бу фикрнинг тўғри эканлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Замонавий технологиянинг ривожланиши муносабати билан саноатнинг ёғочсозлик соҳасида ҳам жиддий ўзгаришлар рўй берди. Бу ҳолат мазкур соҳа терминологиясининг бирикмалар ҳисобига бойишига олиб келди.

Тадқиқот объектимизда ишлатилаётган бирикмалар таркибига кўра икки хилдир:

1. Йигик бирикмалар. Будар икки компонентли бирикмалардир. Тўпланган 500 дан ортик бирикманинг қарийб 80 % йигик бирикмадан иборат: *ёғоч тўқмоқ, китоб тоқчаси, тахта пол, қўйим қолдириши, линейка тахта.*

2. Ёйик бирикмалар. Бу бирикмалар уч ва ундан ортик муस्ताкил маъноли лексемалардан таркиб топган: а) уч компонентли бирикмалар (100 дан ортик): *тоб ташлаб қийшайтириши, бўйлама тоб ташлаш, юмалоқ ёғоч хода, даста бет боғлаш*; б) тўрт компонентли бирикмалар (80-90 та атрофида): *"қалдирғоч Қўйруқ" тирноқли бирикмалар, даста бет боғлаш усули*; в) беш компонентли бирикмалар (50-60 та атрофида): *узунасига қирқувчи диск аррали станок*; г) олти компонентли бирикмалар (30-40 та атрофида): *марказлар ёрдамида цилиндрлик сиртларни хомаки йўниши.*

Ёғочсозликка оид бирикма терминлар куйидаги андазаларда ясалган:

I. От+от андазаси. Ёғочсозликка оид бирикма терминлар бу андаза воситасида икки хил усул билан ўзаро бирикади:

1. Сўз тартиби ва интонация воситасида (грамматик кўрсаткичсиз): *ёғоч тўқмоқ, тахта пол, ёғоч оёқ, ун қути, ёғоч белқурак,*

2. Бирор грамматик кўрсаткич орқали: а) *"қулоқ ўрни", ёғоч пармаси, кертмак усули, хаткаш кундаси, ёғоч диаметри*; б) *тахтанинг қирқими, қирқимларнинг гўниялилиги.*

II. Сифат+от андазаси. Бундай бирикмаларнинг куйидаги турлари мавжуд:

1. Нисбий сифатли бирикмаларнинг аниқловчи компоненти куйидаги аффикслар билан ясалган: -ли (*погонали сирт, кертмакли улаш*), -ма. (*қоплама қатлам, қистирма ёғоч*)\ -к//қ, -оқ, -уқ: (*қавариқ сирт, юмалоқ ёғочў, -ки, -ги, -қи (хомаки йўниши, олдинги исканжа)*); -симон (*понасимон улаш*), -дор. (*шаклдор оёқлар*), -чи, -вчи; *{елимланувчи сирт, тилувчи бурчарра} -бон (харибон ёғоч, тўсинбон ёғоч).*

2. Аслий сифатли бирикмалар камроқ микдорни ташкил этади: *қия улиши, ингичка хода, йўгон хода.*

Шу бобнинг иккинчи бўлимида ёғочсозлик терминологиясининг таркиб топишида ташки манбаларнинг ўрни белгилаб берилган.

Ҳар бир соҳа терминологиясида бўлганидек, ёғочсозликда ҳам, ўз қатлам билан бирга, ўзлашма қатлам ҳам мавжуд. Унда тожик, араб тилларидан

<sup>1</sup> Данитенко В.П. Русская терминология. - М., 1977. - С. 170.

<sup>2</sup> Купон ва унинг атрофи кишлорларнда: саррол // тепа арча, чорчўп дейлади. Қаранг: Тўрақулов О. Кўк.он ва унинг атрофи... // Кўрсатилган асар, 66-бет.

ўзлашган лексемалар фаол ишлатилиб келинмоқда. Бу соҳада русча-байналмилал ўзлашмалар ҳам анчагина.

1. Форс-тожик тилларидан ўзлашган терминлар. Улар жумласига *болор* (иморатнинг ва умуман ҳар қандай курилма ёки иншортнинг тепасига кўндаланг солинган бакувват балка, яъни тўсин), *устун* (томни кўтариб турувчи тик таянч ёғоч), *дурадгор* (ёғочдан иморат ва бошқа ҳар-хил буюмлар ясовчи шахе), *васса*, *синч*,<sup>10</sup> *сарров*<sup>1</sup>, *хари*, *саритахта*, *тарное*, *устун*, *тахта*,

*тиртиш чўп*, *хода*, *дачки*, *бўйра*, *чорхари*, *чорчўп*, *болодари*; *сават*, *сепоя*, ноишпиши, *чарх*, *чироқпол*, *чорпоя* кабиларни киритиш мумкин. Мазкур пфмишшр ш <и нцп иккилпмчи терминлар ҳам ҳосил килинган: *дурадгор* < (Б'радФори, дурадиорчилик; *сават* < *саватчи*, *саватчилик*; *тахта* < ныйн.н.нн, *ттакач*, *тахтакачлаш*; *устун* < *устунлик* // *устунбон* (ёғоч), ИЖИ1ЧН Нуинршш пиикпри бир компонента ўзбекча ва бошқаси форс- (мфнкчй И'шмн ни \*у||м шрмиилир қам кулланишдадир: *сурмачўп* (*чўп* < ф- #11). 111,1. ннч (И1,1,| *ф т*), *питурси*, *тахта-ўқлоги* (*тахта* < *ф-т*), *човхода'*

|\*|!|1ц \* || Ш)

Б Ариб та индии ў шиппип терминлар. Ёғочсозликда арабча . I мж|,1Н|н1И1н 11Н111 уинни мм с|миНди, Буларпийг биттаси *арақтр*. Бу шийн »у(( нчниршндшн IУ«'ИИлП|> пиши михлапган ёғоч гула» маъносини нфнднннПдм V 111 Пин мпмур лркюми тожнкчп *арақи* шиклига эга эканлиги кУщипшпП, куПндишмн нюх, Гк'рншип: Шипшшг тар айланасига, бўғот шит\*, пшик, даряш геитчия пшлппшш ёғоч нақдн; карниз (I, 51-бет), ((ннннчи, бу иуишнй Гшрмнк яелндн рус тилига итапьян тилидан ўзлашган *арка* I VIII бннип илокдцор бўлиши мумкин. Чунки *аркатнг* изоҳи ҳам *арақи* м«К1 «МН1 иннш пюқига ўхншйди: 1. Тспаси ярим доира шаклида солинган днриот, мпшк, деризи ии бошқалар. 2. Шу хилдаги дарвоза шаклидаги қниГимйТЛИ ИНШООТ. Дсмик, *арақи* атамаси араб тилидан итальян тилига ўтган бўлши мумкнн.

Араб тилидан ўзлаштирилган лексемалар жумласига яна *табақа*, *равоқ*, *тоқи*, *шайин*, *тобут*, *шайтон* кабилар ҳам киради. Асли арабча терминларнинг ўз лексик қатлам таркибига кирганлигани ўзбекча аффикслар орқали ясалган янга лексемалар (*тобутчи*//*тобутсоз*, *тобутхона*, *тоқили*, *тоқидор*, *равоқли*, *табақали*) билан кўрсатиш мумкин.

Гарчи кам микдорда бўлса-да, асли арабча ва форс-тожикча асослардан ясалган қўшма терминлар ҳам учраб туради: *Лолахон китобга хатчўп солиб бекитди-да*, *стол ёнидан қўзгалди* (Х.Нуъмон. Фасллар).

3. Рус тили ва у орқали Европа тилларидан ўзлаштирилган терминлар. XIX асрнинг йккинчи ярмида Россия тасарруфига ўтказилгач, мамлакатимизга русларга хос ижтимоий ҳаёт, тартибот қоидалари кириб келди. Пировардида, ўзбек тилида русча (уларнинг кўпи байналмилал) ўзига хос лексик қатлам юзага кела бошлади. Улар қаторида ёғочсозлик

<sup>1</sup> Човхода Хора™ шеваларида "эшкак" маъносини англатади: ?збек халқ шепалари луғати, - Тошкент, 1971. - 119-бет.

терминлари қам бор эди: *доска, форта, искамика, исталба, ишпал, яшичк, тахта пол, карзинка* ва бА

Ҳозирда русча-байналмилал ёғочсозлик терминларининг ўзбек тилидаги ўрни қандай эканлиги ҳақида тасаввур ҳосил қилиш учун айрим далиллар келтарамиз. ЎТИЛда 400 дан ортиқ рус тилидан ўзлашган ёғочсозлик термини қайд этилган бўлиб, уларнинг асосий қисми айнан ўзлаштирилган (80-90 та атрофида), қолганлари эса ярим калькалаштирилган терминлардир. Бошқа манбаларда ўз ифодасини топган терминларнинг миқдори бундан ҳам кўпроқдир. Мисоллар келтирамиз: *Албатта ёшлар ёғоч конструкцияларнинг турлари, ишлатиш соҳалари билан таништирилади;*

и

*Ёғоч конструкцияларнинг асосий элементлари: брусок, рамка, коробка, шитлар, дила (филёнка)лар, итапиклардан иборатдир; Ёғоч конструкцияларни ташкил этувчи ва бир-бирига турли усуллар билан бириктирилган қисмлар деталь дейилади; Дурадгорлик ва мебелсозликда тайёрланадиган конструкцияларнинг қисмлари кўпинча брусоклардан ташкил топади. Масалан, стол, табуретка, эшик, ром, этажерка, кресло ва ҳоказоларнинг қисмлари деярли брусоклардан ташкил топган (ЎУЎМ).*

Мисоллардаги *рамка, коробка, шит, стол, табуретка, ром, кресло* сингарилар ЎТИЛга киритилган. Лекин брусок (*брус* киритилган), *дила, филёнка, итапик* сўзлари маълум сабабларга кўра лугатда ўз ифодасини топмаган.

Замонавий ёғочсозлик саноатининг вужудга келиши муносабати билан унга алоқадор кўпгина тушунчаларни русча-байналмилал лугавий бирликлар билан ифодалашга тўғри келди. Шу боисдан, уларни ўзбек тили талаффуз меъёрларига тўғри келадиган ҳолатда ва ярим калькалаштириш усулидан фойдаланиб ўзлаштириш лозим кўрилди. Ёғочсозлик терминологиясида йиғик ва ёйик тарздаги ярим калькалаштирилган терминлардан кўпроқ фойдаланилмоқда: а) йиғик тарздаги (300 дан ортиқ): *ёғоч конструкция, тахта материал, чинди рейка, эшик блоки, ёғоч материал, филёнкали эшик, дераза роми*; б) ёйик тарздаги: *кўп қаватли шит, дилали эшик қаноти, ичи ҳовонли шит, қўш блокли дераза* ва б.

Диссертациянинг учинчи бобида ёғочсозлик терминологиясидаги синонимия ва вариантдорлик масалалари ёритилган. Мазкур бобнинг биринчи бўлимида лексик ва аффиксал синонимлар таҳдил этилган.

Лексик синонимия. Лексик синоним дейилганда, шакли хилма-хил, лексик маъноси эса бир лугавий бирликлар тушунилади. Улар нутқнинг бадийлиш, кўркемлиги, хилма-хиллигини таъминловчи воситалар сифатида ўзбек тилида фаол қўллаб келинмоқда. Лекин терминологик системаларда синонимияга салбий қаралади. Чунки тегишли манбаларда бир тушунчанинг хилма-хил бирликлар орқали ифодаланиши натижасида чалкашликлар, хатоликлар келиб чиқади. Шунинг учун илмий термин сифатида синонимлардан фақат бирини қўллашга эҳтиёж тугалади.

Ёғочсозлик терминологиясида бир тушунчани ифодалаш учун ишлатилаётган *станок//дастгоҳ* лексемаларининг қайси бири термин

сифатида қўлланилиши мумкин? Бу саволга жавоб беришдан олдин, мазкур тушунча ўзбек тилида XX асрнинг иккинчи ярмидан ҳозиргача қай тарзда қўллаб келинганлиги текшириб кўрилди.

XX асрнинг 50-йилларида матбуотда «ёғочга ишлов бериб, улардан турли буюмлар тайёрлаш учун ишлатиладиган машина» маъносини ифодалаш мақсадида *дастгоҳ* ишлатилган: *Автомат дастгоҳлардан мавжланиб оқаятган ранг-баранг шойи газлам<sup>12</sup>лар, шу тўлқин билан тўхтовсиз кўпайиб бормоқда* (ҚЎ, 1959, 59). Бирок XX асрнинг 60-70, ҳатто 90-йилларида ҳам унинг ўрнида русча-байналмилал *станок* сўзи ишлатилган: *Зоготовкаларда тоза база юзаларини ҳосил қилиш учун асосан рандалаш станокларидан фойдаланилади* (ДМК, 73-74). 70-йилларнинг охирларида тузиб бўлинган ЎТИЛда *станок* бош сўз қилиб берилган ва *дастгоҳ* сўзига «эскирган» белгиси қўйилган.

Янги нашрдан чиққан лугатлардан бирида *дастгоҳ* ҳам, *станок* ҳам бош сўз сифатида берилган<sup>1</sup>. *Станок* сўзининг таърифи охирида кавс ичида унинг айнан *дастгоҳ* эканлиги кўрсатилган. Бундан иккала лексема бир- бирига абсолют синоним деган хул ос ага келинади. Лекин лугатда уларнинг иккаласига хилма-хил таърифлар берилган. Бундан ташқари, *дастгоҳ* изоҳига «қўлда бошқариладиган курилма» жумласи киритилган бўлиб, изоҳ учун берилган иллюстратив мисолда<sup>13</sup> заводда фойдаланиладиган курилма кўрсатилган. Ваҳоланки, ҳозирга замонавий, механизациялашган завод ва корхоналарнинг бирортасида қўдца бошқариладиган курилмадан фойдаланилаётгани йўқ. Қиёслансин:

*Дастгоҳ.* Турли хил маҳсулотларни ишлаб чиқарадиган, материаллар тўқийдиган, қирқадиган ва ҳ. ишларни бажарадиган механизм, қўлда бошқариладиган курилма. Заводга янги дастгоҳлар келтирилди.

*Станок.* Металл, ёғоч ва ҳ. га ишлов бериш, ҳар хил ашёлар ясаш учун ишлатиладиган машина, аппарат (дастгоҳ).

#### Токар станог

Соҳага оид ҳозирги манбаларда, дарслик ва ўқув қўлланмаларида *станок* ўрнида аксарият *дастгоҳ* ишлатилган: *Тўқмоқдан дастгоҳ поналарини чиқариш ёки туширишида фойдаланилади* (Ойгай<sup>1</sup>огИк - 5,42); *Иш жараёнида токли чархда, пармалаш Бастгоҳида, ўювчи-йўнувчи, арралаш-рандалаш дастгоҳларида ишлаш ва уларнинг тузилиши, вазифалари билан яқиндан танишасиз* (Дурадгорлик - 7,43). Келтирилган далиллардан келиб чиқиб тушунчани тўғри ифодалай оладиган, талаффузи кулай *дастгоҳ* термин сифатида қўллангани маъқул, деган хулосага келиш мумкин.

Ёғочсозликка оид манбаларда «Дастаси ва уриладиган қисми кўпинча ёғочдан қилинадиган, босқонга ўхшаш асбоб» маъносида *гурзи* ва *тўқмоқ* луғавий бирликлари ишлатиб келинмоқда. Дурадгорлик асбобларидан бирининг *гурзи* деб аталишини тўғри дейиш қийин. Чунки оғир гурзи билан ёғочга ишлов бериш - керакли буюм тайёрлаш жараёнида фойдаланиш қандай оқибатларга олиб келишини тасаввур қилиш кийин эмас. Шундай экан, мазкур лексема {*гурзи*} ўрнида ЎТИЛда ҳам берилган *тўқмоқ* луғавий бирлиги маънони тўғри ифодалай олганлиги учун қўлланавергани маъқул.

Аффиксал синонимия. Ўзбек тилида шакли ҳар хил бўлиб, бир-бирига ўхшаш ёки бир хил маъноли лексемаларни ҳосил қилувчи аффикслар кўп: -чи// -шунос (*тилчи//тилшунос*), -чи// -кор (*сабзавотчи//сабзавоткор*), -чи// -каш (*чилдирмачи//Милдирмакаш*), -чи// -соз (*аравачи//аравасоз*).

-чи аффикси иштирокида асосдан англашилган нарсани ясаш билан шугулладиган киши маъносини ифодаловчи номлар ҳосил қилинади: *сандиқчи, эгарчи, бешиқчи*. Ишда улардан *сандиқчи* лексемаси хусусида алоҳида тўхтаб ўтилган. ЎТИЛда асосий луғавий бирлик *сандиқсоз* эканлиги қайд этилган (*сандиқчи* унинг синоними эканлиги кўрсатилган). *Сандиқсоз* лексемасининг изоҳига эътибор берайлик: сандиқ ясаб сотувчи уста; сандиқчи. Бундан *сандиқсоз* ҳам, *сандиқчи* ҳам иккита маънога эга экан, деган хулосага келинади: 1. Сандиқ ясовчи уста; 2. Сандиқ сотувчи шахс. Луғатда ҳар икки лексеманинг маъносини очиб беришга хизмат қилувчи қуйидаги

' Нореу А., Кигшопу А. уа Ё8Нца1аг. Но21Г£1 о'гЪск (Ш Гао! 8о'г1аппт8 120Ы1 1ис'аЧ. - То8Нкеп1, 2001. - 45, 223-БсОаг.

иллюстратив мисоллар келтирилган: 1) *Бу йигит сандиқсоздан чиққан ёш шоир Усмонхўжа Зорий эди* (С. Абдулла. Мавлоно Муқимий); 2) *Кумуш яна тинчий олмади: Бизнес урушиб қолишимиз учун Карим сандиқчининг ҳам дахли бор!* - деди (А. Қодирий. Ўтган кунлар). Мисоллардан иккала лексеманинг ҳам маъноси "ясовчи"<sup>14</sup>уста" ёки "сотувчи шахс" эканлиги аниқ кўзга ташланмайди. Демак, бу ўринда жиддий хатога йўл қўйилган. Чунки ўзбек тилида -ни аффикси ўта полисемантик бўлганлиги туфайли ҳам "ясовчи", ҳам "сотувчи" шахс маъноларини англатаверади: *Айрим вилоятларда мўмай пул топаётган сандиқчилар ҳам пайдо бўлиб қолди* (Постда, 99/2). *Сандиқсоз* термини эса фақат "сандиқ ясовчи уста" маъносини ифодалайди. *Хурриятдан кейин сандиқсозларга ҳам кенг йўл очиб берилди* (ЁЛ, 88,5).

Қисқаси, сандиқсоз ясаган сандиқни унинг ўзидан ташқари қариндош-уруғлари ёхуд бутунлай бегона кишилар сотиши мумкинлиги реал воқелигидан ва келтирилган далиллардан келиб чикиб, иккала лексемани куйидатча шарҳдаш мумкин:

Сандиқсоз - сандиқ ясовчи уста.

Сандиқчи - 1. айн. сандиқсоз. 2. сандиқ сотувчи шахс.

. Мазкур бобнинг иккинчи бўлимида вариантдорлик муаммолари тадқиқ этилган. А.Ҳожиёв вариант ҳақида шундай деб ёзади: «Тил бирлигининг турли-туман ўзгаришлар натижасида ҳосил бўлган формаси, кўриниши»<sup>9</sup>. Ўзбек тилида лексик вариантлар билан бирга (*каптар//кабутар*, • *новвойУ/новчой* каби) морфематик вариантлар ҳам мавжуддир. Морфематик вариант деганда, «ҳар қандай қуршовда бири ўрнида иккинчисини ишлатиш мумкин бўлган морфемалар» тушунилади: *косибликУ/косибчилик*, *ҳунармандлик //ҳунармандчилик* каби. Н.Маҳкамов ҳам айни шундай лисоний бирликларни вариант деб атади<sup>10</sup>. Шу ўринда айтиш лозимки, юқорида кўрсатилган ҳар иккала ҳолатда вариантларнинг пайдо бўлиш жараёнини *вариантдорлик* деб аташ маъкул кўрилди.

Ўзбек тилида вариантдорлик кенг тарқалган. Бу ҳодиса ёғочсозликка оид терминлар доирасида ҳам фаолдир.

Лексик вариантдорлик. Ёғочсозлик терминологиясида, гарчи камроқ миқдорда бўлса-да, лексик вариантдорлик мавжуддир. Масалан, соҳада «ойна ўрнатилмаган дераза», «портрет, раем ва шу кабилар солинадиган тўрт бурчакли мослама» тушунчалари бор. Манбаларда ушбу тушунчаларни ифодалаш мақсадида махсус терминлардан эмас, балки русча *рама* лексемасининг ўзбек тилидаги қатор таржима вариантларидан фойдаланиляпти. Бунинг устига уларни чалкаштириб ишлатиш ҳоллари учраб турибди.

Русча *рама* ва *рамка* сўзлари куйидаги луғавий birlikлар билан ўзбек тилига таржима қилинган: *Рама* ж. 1. *Ром, ромка, рамка, рама, чорчўп;*

<sup>9</sup> Ҳожиёв А. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати. - Тошкент, 1985. - 25 - бет.

<sup>10</sup> Маҳкамов Н. Ўзбек тили терминологиясида синонимларнинг илеонастик кулланиши //Ўзбек терминологиясида лексик вариантлар. - Тошкент, 1985. - 122-132-бетлар.

*дверная рама - эшик роми; картина в раме - рамкага қўйилган сурат»<sup>2</sup>.*

*«рамка ж 1. Рамка, рамка; портрет в позолоченной рамке заржал рамкадаги портрет»\*.*

УТИЛДа чорчўп лексемаси шундай изоҳданган: *чорчўп [ф-т] 1 Тўртта тахтачадан тузилган рамка.*

Демак, чорчўпнинг 1-маъноси рамканинг айнан ўзи. Унинг иккинчи маъноси «иморатнинг тўртта харидан иборат тагсинчи» ҳисобланади.

Ёғочсозлик термини бўлган *кесаки* (< русча *косяк* лексемасининг ўзбекчалаштирилган шакли)нинг УТИЛДаги изоҳида ҳам чорчўп сўзи ишлатилган: *кесаки эшик ёки дераза ўрнатиладиган чорчўп (I, 381).*

«Ўзбекча-русча лугат»га мурожаат қилинганда, «*Рамка рамка; зарҳал рамкадаги портрет, портрет в позолоченной рамке*»<sup>1</sup> изоҳини кўриш мумкин. Демак, бу лугатда ҳам «портрет, раем ва шу қабилар солинадиган тўрт бурчакли мослама» маъносида рамка лексемаси берилган.

Лугатга ром лексемаси ҳам киритилган: «*Ром III разг. рама; дераза роми оконная рама; ром - эшик рамы и двери*»<sup>2</sup>. Бу изоҳдан ром лексемаси юқорида келтирилган биринчи тушунча «*ойна ўрнатилмаган дераза*» маъносида берилганлиги маълум бўлади. Ром атамаси аслида русча-байналмилал *раматнг* ўзбекча талаффузга мослашган шаклидир.

Лугатда ром лексемаси сўзлашув нутқида оидлиги (разг. пометаси орқали) ҳамда рама луғавий бирлигининг ўзи эканлиги қайд этилган, бироқ рама сўзига қаралганда, унинг бутунлай бошқа маънода эканлигини кўриш мумкин: *Рама тех. рама; автомобиль рамаси рама автомобиля.* Буни аниқлаштириш учун УТИЛДа рама лексемасига берилган изоҳга мурожаат этамиз: *Рама [р] Машина, вагон ва ш.к. нинг ҳамма қисмларини тутиб турувчи асосий қисми. Автомобиль рамаси.*

XX асрнинг бошларидаги матбуотда ром лексемаси «*ойна ўрнатилмаган дераза*» маъносида, рамка эса (ромка шаклида) «*портрет, раем қабилар учун ясалган тўрт бурчакли буюм*» маъносида ишлатилган. (ромка лексемасининг ушбу маънода чоҳорчўп, чорчўба каби синонимлари ҳам онда-сонда қўлланган: *рамкалар (чоҳорчўп)* (ТВГ, 1911, 65), *ромка- чорчўбалар* («Ойина» ж-ли, 1913, 1123), *ромка* (ТВГ, 1898, 45), *ромлар* (ТВГ, 1893, 43).

Ёғочсозликка оид манбаларда бу лексемалар қандай ҳолатда қўлланганини кўриб чиқайлик. *Ромка ичит ёки ромкалар икки томонлама арралайдиган диск аррали станокларда... арраланади...* (ДМК. 259). (...*стол, табуретка, эшик, ром, этажерка, кресло ва ҳоказоларнинг қисмлари деярли брускалардан ташиқил топган.* УУЎМ, 185).

Биринчидан, келтирилган манбаларнинг барчасида рамка ўрнида унинг ўзбекча талаффузга мослашган шакли - ромка қўллаб келинган. Иккинчидан, ромка шакли анчайин ўзбек тилининг талаффуз нормаларига мос келади. Шу сабабларга кўра, ёғочсозлик терминологиясида ромка лексемасини қўллаш вериш мақсадга мувофиқдир.

*Рама/ром* вариантларидан эса (рама спорадик ҳолатдалиги сабабли) ўзбекчалашган шакл - ром атамасини танлашни мақбул деб ўйлаймиз.

Айрим бирикмалар ўртасида ҳам вариантдорлик мавжуддир. «Баъзан

дурадгорлик йўли билан тайёрланадиган тирнокли бирикмаларда елим, ёгоч михлардан фойдаланилмаган ҳолда пухталиқ таъминланади. Бундай | Ўзбекча-русча лугат. - М., 1959. - 338-бет. <sup>2</sup> Шу манба. 345-бет.

бирикмалар «қалдирғоч қуйруқ» тирнокли бирикмалар деб аталади»<sup>11</sup>. Ушбу тушунчани ифодалаш учун дарслик ва ўқув қўлланмаларида битта терминдан эмас, ҳар хил вариантдор бирикмалардан фойдаланилган: а) «қалдирғоч қуйруқ» тирнокли бирикма; б) қалдирғоч қуйрукли бирикма; в) қалдирғоч қуйруқ бирикма. Бу вариантларнинг қайси бирини термин сифатида қўллаш керак? Б.М.Буглай томонидан «гузилган дарсликдан олинган қуйидаги мисолларни келтирамиз: *Яшиқнинг конуссимон'турумларини қирқиш (тортма яшиқпарнинг олдинги деворларини «қалдирғоч думи»га ўхшаш қилиб қирқиб ён деворларига бириктириш) учун кўп шпинделли махсус станоклардан фойдаланилади (107-бет)». Яшиқларнинг «қалдирғоч думи»симон турумларини қирқадиган станоклар иш ўрнини ташкил қилиш қуйидаги схемада кўрсатилган (108-бет)* <sup>12</sup>. Биринчи мисолда «қалдирғоч думи»га ўхшати, иккинчи мисолда эса «қалдирғоч думи»симон шакллари ишлатилган бўлиб, улар ҳам бир-бирининг вариантдир.

С.Маҳкамов ҳамда С.Азимовларнинг дарсликларидан келтирилган мисолларда юқоридаги тушунчани ифодалаш учун бирикмаларнинг иккинчи компонентида «қуйруқ» сўзи ишлатилгани ҳолда, Б.М.Буглайнинг қўлланмасида «дум» лексемасидан фойдаланилган. Бу ўринда қуйруқ ва дум лексемалари бир-бирига синоним ҳолда ишлатилган. УТИЛда ҳам дум ва қуйруқ лексемалари бир-бирига абсолют синоним тарзида берилган. Оғзаки нутқда кушларга нисбатан кўпроқ дум лексемаси ишлатилишини ҳисобга олиб, «қалдирғоч қуйруқ» ўрнида «қалдирғоч дум» шаклидаги қўлланишни маъқул деб ҳисоблаб ва бирикмани ҳосил қилиш учун «тирноқ чиқариш» жараёни бажарилгани сабабли «тирноқли» сўзи ҳам қўшилиши керак деган хулосага келинди.

Морфематик вариантдорлик. Морфематик вариантдорликда вариантдор лексеманинг асосига сўз ясовчи қўшимча ёхуд мустақил маъноли сўз қўшиш йўли билан янги лексик бирлик ҳосил қилинади. Пировардида, лексеманинг икки ёки ундан ортиқ варианты юзага келади. Бунда уларнинг маъноларида деярли ўзгариш рўй бермайди. Ишда соҳага оид манбаларда ишлатилаётган дурадгорлик //дурадгорчилик вариантлари хусусида фикр юритилади.

С.А.Азимов томонидан ёрдамчи мактабларнинг айрим синфлари учун ёғочсозлик бўйича дарслик ва қўлланмалар яратиб келинаётганлигини маъқуллаш керак. Лекин уларда бир тушунчани ифодалаш учун хилма-хил луғавий бирликлардан, морфематик вариантлардан фойдаланилганлигини оқлаш қийин. Бу манбаларда шу соҳанинг тушунчасини ифодалаш учун дурадгорлик//дурадгорчилик вариантларининг параллел қўлланишини кўриш мумкин: *Дурадгорлик. Қаттиқ вгочларга шилов беришда ҳамма дурадгорлик асбобларидан фойдаланилади. (С.А.Азимов. Дурадгорлик, 34). Дурадгорчилик. Ҳар қандай дурадгорчилик асбоби қаттиқ ёгочдан*

<sup>11</sup> Маҳкамов С. Ўқув устахоналарида ўтказиладиган амалий машғулотлар. - Тошкент, 1991. - 151-бет.

<sup>12</sup> Бутан Б. М. Дурадгорлик-мебель корхоналарида ишлаб чиқариш технотаяси. - Тошкент, 1963 южймон: А Шоакмедов).



*тайёрланиши керак.* (Шу манба, 43)<sup>13</sup>.

Бу мисоллар бир дарсликнинг ҳар хил саҳифаларидан олинган. Ҳатто бир саҳифанинг ўзида бу нкки лексеманинг ҳар иккаласидан ҳам фойдаланилган.

Ушбу вариантлардан қайси бирининг ясалиши адабий тил нормаларига тўфи келади? Бу саволга жавоб беришдан олдин, биринчи галда, мазкур лексемалар лугатларда қандай берилганлигини аниқдаш лозим.

УРЛ (1959) да *дурадгорлик*<sup>14</sup><sup>17</sup> лугавий бирлиги кайд этилган бўлиб, *дурадгорчилик* акс эттирилмаган. ЎТИЛда эса иккала вариант ҳам ушбу тарзда ўз ифодасини топган: *Дурадгорлик дурадгор с. касб оти + мисол: Дурадгорчилик с.т. Дурадгорлик*. РЎЛда «столярничество» лугавий бирлиги *дурадгорлик* лексемаси орқали ифодаланган: *Столярничество с дурадгорлик; заниматься столярничеством дурадгорлик қилмоқ*<sup>15</sup>.

Бошлангич синфлар учун мўлжалланган «Имло лугати»га *дурадгорлик*<sup>16</sup> лексемаси киритилган, *дурадгорчилик* эса акс эттирилмаган. Энг янги лугатлардан бирига мурожаат қилинганда ҳам, *дурадгорлик* вариантыга изоҳ берилганлигини кўриш мумкин: *Дурадгор+лик (дигас1^ог+Ик. Дурадгор иши, касби. Дурадгорлик билан шугулланмоқ. Дурадгорчилик варианты асбоб (ахЪоЪ) лексемаси учун берилган мисол таркибидагина ишлатилган: бирор ишни бажаришда ишлатиладиган курол, восита. Дурадгорчилик асбоблари.)*. Демак, асосий лугатларда *дурадгорлик* варианты доминант сифатида берилган.

Далиллардан келиб чиқиб, ўзбек тилининг ёғочсозлик терминологиясида *дурадгорчилик* ўрнида фақат *дурадгорлик* лексемасини термин сифатида кўллашни ўринли деб ҳисоблаймиз.

Мазкур бобнинг 'ниҳоясида ЎТИЛда акс эттирилган ёғочсозлик терминологиясидаги хилма-хилликлар ўрганилган. Маълумки, ЎТИЛга ёғочсозликка дойр кўплаб терминлар киритилган ва уларга тегишли изоҳдар берилиб, иллюстратив материаллар келтирилган. Бундай терминларнинг кўпидаги изоҳдар тушунчаларни тўфи ифодалашга, улардан фойдаланувчиларнинг ишини осонлаштиришга хизмат қилади. Шу билан бирга, ЎТИЛда ёғочсозлик терминларини акс эттиришда ҳар хилликларга ҳам йўл қўйилган. Бундай «илма-хилликларни аниқдаш эса келажакда тузиладиган лугатларнинг сифатини янада оширишга, бинобарин, ёғочсозлик терминологиясидаги чалкашликларга барҳам беришга хизмат қилади, деган умиддамиз.

Лугатда ёғочсозлик соқасида иш юритаётган касб-кор эгалари номларининг айримлари ўз ифодасини топган: *вурадгор, эгарчи, қайиқсоз* ва б. Унда бу лексемалардан ясалган касб-кор номлари ҳам акс эттирилган, яъни: *дурадгорлик//дурадгорчилик, эгарчилик, қайиқсозлик* каби. ЎТИЛда шу йўлдан борилганлиги тўфи. Бирок кайд этилган типдаги ёғочсозлик терминларининг барчаси шу тарзда ёритилган, дея олмаймиз. Лугатда айрим зиддиятли ҳолатлар ҳам мавжуд. Бу ҳолатлар икки гуруҳга ажратилди:

Азимов С.А. Дурадгорлик (срдмчи мактабларнинг 7-синфи учун дарслик). - Тошкент, 1999.

<sup>14</sup> Ўзбекча-русча лугат, 134-бет.

<sup>15</sup> Русча-ўзбекча лугат. - 518-бет.

<sup>16</sup> Ризаев С., Бўронов Н. Имло лугати. - Тошкент, 1992. - 68-бет.

<sup>17</sup> Нореч А. та Ёоа1а1а1аг. Но21гг1 о'г'бек тШ Гао1 Со'г'1ашшгг 1гобП 1ир'а1( - Тошкент, 2001. -19, 53-бетлар.

1. Касб-кор эгалари номлари берилгани ҳолда, шу касб-корларни англатувчи номлар ўз ифодасини топмаган. Унда *аравасоз, сандиқсоз//сандиқчи, эгарсоз, элакчи//элаксоз, саватчи, галвирчи* каби номлар акс эттирилган ва тегишли изохдар билан таъминланган. Лекин улардан ясалган ва касб-корларни ифодаловчи лугавий бирликлар берилмаган:

*аравасозлик, сандиқсозлик//сандиқчилик, эгарсозлик, элакчилик//элаксозлик, саватчилик, косиблик//косибчилик, қолипчилик, галвирчилик ва б.*

П. Лугатда касб эгалари, касб-корларнинг номлари ҳам бсрилмнпш: *бешиксоз < бешиксозлик, жавонсоз < жавонсозлик, мебелсоз < мебелсозлик, бочкасоз >< бочкасозлик* ва б. Ваҳоланки, тегишли манбаларда бу синшрн лексемалар кенг қўлланади. •

Бундан ташқари, лугатда бир типдагй лексемаларнинг изоҳларидп хилма-хилликка йўл қўйилган. Бундай ҳолат лексикографик принципларг», лугатлар тузиш йўриқларига зиддир. Масалан, лугатда *аравасоз, қолипчи, элакчи, эгарчи* каби ёгочсозлик касб-корлари эгаларининг номлари изоҳларн бир хил қолип асосида тегишли маъно билан таъминланган. Лекин *саватчи, галвирчи, сандиқсоз* каби луғавий бирликларнинг изоҳлари бир қолипда берилган эмас. Қиёслансин:

Бир хил изоҳ	Фаркланувчи изоҳ
<i>Аравасоз</i> Арава ясовчи уста	<i>Сандиқсоз</i> Сандиқ ясаб сотувчи уста; сандиқчи
<i>Эгарчи</i> Эгар ясовчи уста	<i>Саватчи</i> Сават тўкиб сотувчи одам

Элак унни, галвир эса донни элаш учун ишлатиладиган уй-рўзгор буюмидир. Гардиши ёгочдан ясаладиган иккала буюмниЛг бир-биридан фарқи фақат бир нарсада - тўри кўзларининг зичроклиги (элакда) ёки сийраклигн (галвирда) ёки уларнинг катта-кичиклигидадир. Шувдай буюмларни тайёрловчи шахсларнинг бири *элакчи*, иккинчиси эса *галвирчи* деб аталади. Луғатда иккала бажарувчи шахе номи ҳам бир хил қолипда изоҳланиши лозим эди. ЎТИЛда бу лексемалар икки хил изоҳланган:

<i>Элакчи.</i> Элак ясовчи уста.	<i>Галвирчи.</i> Галвир қиладиган киши, галвир ясовчи уста
-------------------------------------	--

Бу икки хил изоҳланган бир типдаги иккала бажарувчи шахе номлари куйидагича тарзда берилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди:

*Элакчи.* Элак ясовчи уста+мисол.

*Галвирчи.* Галвир ясовчи уста+мисол.

ЎТИЛнинг «Лугатнинг тузилиши ва ундан фойдаланиш тартиби»да шундай дейилган: «§ 16. Лугат мақолаларининг тузилиши куйидагича: бош сўздан кейин... бош сўзнинг маъноси изоҳланади. Изоҳдан кейин бош сўзнинг маъносини тасдиқловчи ва шу маънода тўғри ишлатилишини, бошқа сўзлар билан қандай бирикишини кўрсатувчи типик мисоллар, цитаталар, фразеологик бирлик ва иборалар келтирилади»(ЎТИЛ, I, 13).

Бевосита лугатга мурожаат қилинганда, кўп ҳолатларда шу принципга амал қилинганлиги кўзга ташланади. Масалан, лугатда ёгочсозликка дойр *арава, балка, бўйра, васса, вассажуфт, гардероб* каби терминларнинг изоҳидан кейин иллюстратив материаллар берилган.

Лекин мазкур лугатда айрим ёгочсозлик лексемалари тегишли

иллюстратив материаллар билан таъминланмаган. Бу юқорида кўрсатилган қоидага тўла риоя қилинмаганлигидан даллалат беради: (*аравасоз, болор, газчўн, городки (2), даста (2), дилижон, ёгочсоз, замбилкаш, зинапоя, илмоқ, келисон, кубик, кудунг, куракча, кушетка*).

А.Ҳожиев -лик аффиксининг маъноларидан бири қақида фикр юритиб, шундай ёзади: «... касб эгасини билдирувчи сўзларга қўшилиб, касб-хунар эпшари иш бажарадиган, шу касб-<sup>20</sup>хунарга оид жой (территория) маъносини билдирувчи от ясайди...»<sup>17</sup>.

Ёгочсозлик терминологиясида ҳам мазкур аффикс воситасида айнан шундай маънодаги терминлар ясалганлиги маълум: *Ташкент шаҳридаги мебелсозлик корхонаси аҳоли учун кўплаб бежирим хонтахталар ишлаб чиқара бошлади* (ТО, 98/3); *Республикамизда рўй берган янгиликлар тўфайли минтақаларда ҳам хилма-хил дурадгорлик устахоналарини очишга киришилди* (ТО, 99/8) ва б.

Таъкидлаш лозимки, -лик аффиксли лексемаларнинг жой маъносини ҳам англатиш хусусияти ҳатто олий ўқув юртларига мўлжалланган махсус дарсликда ҳам ўз ифодасини топмаган<sup>18</sup>.

ЎТИЛнинг сўз бошисида шундай дейилган: «Мазкур луғат ҳозирги ўзбек адабий тилининг норматив луғатидир. Шунга кўра, луғатга, хусусан, ҳозирги замон ўзбек тилида кенг истеъмолда бўлган сўз ва фразеологик иборалар киритилган»<sup>19</sup>.

Ёгочсозлик ва у бшуш боғлиқ тушунчалар халқ хўжалиқдагина эмас, балки кишиларнинг яшаш тарзида, кундалиқ турмуш кечиришида ҳам муҳим роль ўйнайди. Шундай экан, мазкур соҳанинг терминларини ҳар қадамда эшитиб, ўқиб турамыз. Шунинг учун ЎТИЛда ёгочсозликка дойр сўзлар ҳам имкон қадар ўз ифодасини топиши лозим эди. Пекин -лик аффикси иштирокида ясалган ёгочсозлик лексемалари қақида бундай дея олмаймыз. Шу нуқтаи назардан қаралганда, ЎТИЛда иккита жиддий хатога йўл қўйилганлиги аниқданди\* Булар куйидагилардан иборат:

1. -лик аффикси ^ иштирокида ясалган, фаол истеъмолдаги лексемаларнинг кўп киём и ЎТИЛда ўз ифодасини топмаган: *аравасозлик, жавонсозлик, бешиксозлик, эгарсозлик, элаксозлик, сандиқсозлик, ромсозлик*.

2. -лик аффикси иштирокида жой ёки ёгочсозлик устахоналари, яъни расталарнинг номлари ҳам ясалиши мумкин. ЎТИЛга мурожаат қилинганда, -лик аффиксли терминларнинг шу маъновий хусусияти берилмаганлиги кўринади. Масалан, *кемасозлик, ёгочсозлик* каби лексемалар изоҳида касб-хунар мутахассислиги маъносини англатиши қайд этилгани ҳолда, уларнинг «жой» маъновий семемаси ифодаланмаган. Тўғри, ЎТИЛда фақат битта лексеманинг юқорида қайд этилган икки маънолилиги кўрсатиб ўтилган: *Қайиқсозлик*. 1. *Қайиқсоз с. касб оти. Қайиқсозлик қилмоқ*. 2. *Халқ хўжалигининг қайиқ ишлаб чиқариши билан шугулланувчи тармоғи. Қайиқсозлик корхонаси*<sup>20</sup>.

<sup>17</sup> Ҳожиев А. Ўзбек тили сўз ясаллиши. - Тошкент, 1989. - 42-бет.

<sup>18</sup> Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирга ўзбек адабий тили. - Тошкент, 1992. - 211-бет.

<sup>19</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2 жилдлик. 1-жилд. - 12-бет.

<sup>20</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. II жилдлик. 1-жилд. 538-бет. Таъкидлаш жоизки, мазкур таърифда «қайиқсозлик билан шугулланадиган жой» маъноси ўз ифодасини тоғмаган.

Ўз-ўзидан маълумки, қайиқсозлик сўзига шу тарика таъриф берилган экан, -лик аффиксли бошқа лексемалар ҳам айна шундай изоҳга мухтождир.

Ишнинг ниҳоясида 12 банддан иборат умумий хулосалар берилган:

1. Инсоният илк таракхиёт даврларидаёқ муайян шарт-шароитлар, яъни табиий омиллар тақозоси билан яшаш жойларини яратишда ёгочлардан фойдалана бошлаган; аста-секин рўзгорда ва хўжаликда ишлатиладиган ёгочдан иборат буюмлар, асбоб<sup>21</sup>ускуналар ясала бошланган. Уларнинг барчаси ёгочсозлик лексикасининг шаклланишига асос бўлди. Қадимий ёзма ёдгорликларда кайд этилган лексик birlikлар шундан далолат беради.

2. Бошқа соҳалар терминологиясида бўлганидек, ёгочсозликда ҳам узок ўтмишдаги умумхалқ лексиконида қўлланган лугавий birlikлардан фойдаланилган. Уларнинг аксарияти хозирда ҳам ишлатиб келинмоқда.

3. Ёгочсозлик терминологияси яхлит бир терминшогик системадан иборат. Унинг таркибини, қўлланиш доирасини аниқдовчи асосий мезон мавзуй гуруҳларнинг мажмуидир.

4. Ёгочсозлик терминларининг таркиб топишида семантик, яъни лугавий birlikларнинг маъносини метафорик асосда кўчириш усулидан кенг фойдаланилган.

5. Терминларнинг ясалишида морфологик сўз ясалиши усулидан унумли фойдаланилган. Бунда -чи, -соз, -лик, -ш (-иш) каби ясовчи элементлар иштиробкида ясапган терминлар кўп миқдорни ташкил этади.

6. Ёгочсозлик терминларининг ясалишида синтактик усулнинг ҳам ўрни алоҳидадир. Мустакил маъноли сўзларни бир-бири билан бириктириш воситасида ёгочсозликка дойр тушунчалар, асосан, тўғри ифодаланган.

7. Ёгочсозлик терминологиясида ҳам ўзлашма кжглам ўзига хос ўринни эгаллайди. Тожик, араб ҳамда рус тилидан ўзлаштирилган русча-байналмилал лексемалар мазкур соҳада фаол ишлатиб келинаётир.

8. Ёгочсозлик терминологиясидаги атамаларнинг қўлланишида ҳам хилма-хилликлар мавжуд бўлиб, бу ҳолат соҳа мутахассис кадрларини тайёрлаш жараёнини қийинлашишига олиб келмоқда.

9. Тадқиқот объектимизда вариантдорликнинг ҳам хилма-хил кўринишлари мавжуд эканлиги аниқланди.

10. Ёгочсозлик терминологиясида лексик, морфологик вариантдорлик мавжуд бўлиб, уларни бартараф этиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади

11. «Ўзбек тилининг изоҳди луғати»да ёгочсозлик терминларининг ифодаси қаноатланарли ҳолатда эмас.

12. Ўзбек тилининг ёгочсозлик лексикасини тадқиқ этишдан келиб чиқадиган умумий хулоса шундан иборатки, ёгочсозликнинг халқ хўжалигида, ижтимоий ҳаётда муҳим аҳамиятга молик бўлганлиги сабабли, соҳа лексемалари нафақат мутахассислар нутқида, балки умумхалқ истеъмолида эканлиги туфайли адабий тил лексикасидан ўзига хос ўринни эгаллаган. Бинобарин, бу лексик системани тадқиқ этиш ҳам назарий, ҳам амалий жихатдан аҳамият касб этади.

**Диссертация мавзуй бўйича қуйидаги ишлар эълон қилинган:**

1. Аҳатова М. Ёгочсозлик терминларининг семантик усул билан ҳосил

қилинишига дойр // Ўзбек тили ва адабиёти. - 2000, 3-сон, 57-58 бетлар.

2. Ахатова М. Бешиқсозликда бешиқ кўсмланинг номланиши хақида // Ўзбек тили ва адабиёти. - 2001, 5-сон, 85-86 бетлар.

3. Аҳатова М. Бир атаманинг қўлланиши ҳақида // Тил ва адабиёт таълими. - 2000, 2-сон, 85-87 бетлар.

4. Аҳатова М. Меҳнат таълими тизимида ёғочсозлик терминларининг ўрни // Халқ таълими. - 2000, 110-112 бетлар.

5. Аҳатова М. Багалокни биласизми? // Маърифат. - 2004, 17 март, 22-сон.

#### ШАРТЛИ ҚИ СҚАРТМ АЛ АР

Аттуҳфа'

ДИ

ДЛТ

ДМК

ЁЛ

МТЛ

РЎЛ

ТВГ

ТО

ФТ

ЯТ

ЎРЛ

ЎУЎМ

ЎТИЛ

ЎХАБ

ҚЎ

Аттуҳфатуз закияту филлугатит туркия. Тошкент, 1968. Дурадгорлик ишлари. - Тошкент, 1992.

Кошғарий Махмуд. Девону луготит турк. III томлик. - Тошкент, 1961-1963.

Буглай Б.М. Дурадгорлик-мебель корхоналарида ишлаб чиқариш технологияси. Тошкент, 1983 Ёш ленинчи (газета)

Турсунова Т. Меъморлик терминларининг лексик-грамматик тадқиқи. Тошкент, 1987.

Русча-ўзбекча лугат. V томлик. Тошкент, 1954.

Туркистон вилоятининг газети.

Тошкент оқшоми (газета).

«Фан ва турмуш» (журнал)

«Янги техника» (журнал).

Ўзбекча-русча лугат. Москва, 1959.

Маҳкамов С. Ўқув устахоналарида ўтказиладиган амалий машғулотлар. Тошкент, 1991.

Ўзбек тилининг изоҳди лугати. II том. Ак. -М., 1981.

Булатов С. Ўзбек халқ амалий безак санъати. Тошкент, 1991.

Қизил Ўзбекистон (газета).

**Филология фанлари номзоди ил мни даражасига талабгор Аҳатова Маҳбуба Салимовна 10.02.02 - ўзбек тили ихтисослиги бўйича “Ўзбек**

## **тилининг ёғочсозлик терминологияси” мавзусидаги диссертациясининг ҚИСҚАЧА МАЗМУНИ**

Калит сўзлар: термин, терминологик принцип, вариант, лексик дублет, терминологик система, семантик сўз ясалиш усули, морфологик сўз ясалиш усули, синтактик сўз ясалиш усули, мавзуй гуруҳ, семантик-синтактик сўз ясалиш усули, туб термин, ясама термин, бирикма термин, лексик синонимия, аффиксал синонимия<sup>24</sup>, лексик вариантдорлик, морфематик вариантдорлик.

Тадқиқот объекти: ёғочсозлик соҳасидаги дарслик ва қўлланмалар, газета ва журналлар, бадиий адабиётлар, лугатлар ва бошқа манбалар.

**Ишнинг мақсади:** ўзбек тилида ёғочсозлик термин системасининг асосий фондини аниқлаш, унинг мавзуй гуруҳларини таснифлаш, шаклланиш ва таракхиёт йўларини, ясалиш усулларини белгилаш, ушбу терминологиядаги камчиликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш йўларини кўрсатиш.

**Тадқиқот методи:** кузатиш ва қиёслаш, терминологияни система сифатида тадқиқ этиш, қиёсий- тарихий, тавсифий, генетик таҳлил этиш.

**Олинган натижалар ва уларнинг янгилigi:** ўзбек тилшунослигида ёғочсозлик терминологик системаси илк бор яхлит бир система сифатида монофафик планда тадқиқ этилди - шу системани ташкил этувчи терминларнинг мавзуй гуруҳлари аниқланди, семантик, морфологик, синтактик ясалиш усуллари ўрганилди, ташки манбалар ҳисобига бойиш даражаси белгиланди, мазкур системадаги ноаниқликлар аниқланиб, уларни бартараф этиш йўллари ўрсатилди.

**Амалий аҳамияти:** тадқиқотда эришилган натижа ва хулосалар ўзбек тили лексикологияси ва терминологиясининг назарий асосларини тўлдириш учун хизмат қилиши мумкин.

Тадбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: диссертацияга 260 та фаол қўлланувчи, лекин “Ўзбек тилининг изоҳди лугати”га киритилмаган терминларнинг қисқача изоҳди лугати илова қилинганлиги ишнинг амалий аҳамиятини ошириши мумкин. Ишнинг назарий асослари олий ўқув юртларининг филология факультетларида махсус курс машғулотларини олиб бориш, курс иши ҳдмда диплом ишларини бажаришда тадбиқ этилиши мумкин.

Тадқиқотда фойдаланилган материаллардан умумий ва тармоқ лугатларини тузишда, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, ҳунар-техника коллежлари учун ёғочсозликка дойр дарслик ҳамда қўлланмалар яратиш ва соҳанинг изоҳди лугатини тузиш ишларини бажаришда фойдаланилади.

**Қўлланиш соҳаси:** ўзбек тилининг ёғочсозлик терминлари 1960-70 йилларда худудимизда пайдо бўла бошлаган, техникалашган, механизациялашган ёғочга ишлов бериш саноатининг илмий кадрлари нутқида, соҳага дойр дарсликлар ва қўлланмаларнинг таркибида ишлатилади.

**РЕЗЮМЕ**  
диссертации М. Ахатовой на тему «Терминология деревообрабатывающей отрасли узбекского языка»на соискание ученой степени кандидата филологических наук по специальности 10.02.02-узбекский язык



\*

Ключевые слова: термин, терминологический принцип, вариант, лексический дублет, терминологическая система, семантический способ словообразования, морфологический способ словообразования, синтаксический способ словообразования, тематическая группа, семантико-синтаксический способ словообразования, коренной термин, производный термин, составной термин, <sup>25</sup>лексическая синонимия, аффиксальная синонимия, лексическая вариантность, морфематическая вариантность.

Объекты исследования: учебники и учебные пособия по деревообрабатывающей отрасли, газетные и журнальные статьи, художественная литература, словари и другие источники.

Цель работы: выявление основной базы терминосистемы деревообрабатывающей отрасли узбекского языка, классификация ее тематических групп, определение путей их формирования, развития и способов словообразования, выявление недостатков этой терминосистемы и нахождение путей их устранения.

Метод исследования: наблюдение и сопоставление, исследование терминологии как систему, сравнительно-исторический, характеристический и генетический способы анализа. \*

Полученные результаты и их новизна: впервые в узбекской лингвистике осуществлена попытка исследовать систему деревообрабатывающей терминологии как единое целое в монографическом плане - определены тематические группы составляющих этой системы терминов, исследованы семантический, морфологический, синтаксический способы словообразования, определены степени обогащения за счет внешних источников, выявлены пробелы терминосистемы и показаны способы их устранения.

Практическая значимость: полученные результаты и заключения исследования могут быть применены для дополнения теоретической основы лексикологии и терминологии узбекского языка.

Степень внедрения и экономическая эффективность: приложенный к диссертации краткий толковый словарь, содержащий 260 активно употребляемых, но не включенных в «Толковый словарь узбекского языка» терминов, призван для повышения практического значения работы. Теоретические основы работы могут быть применены при проведении занятий спецкурсов в филологических факультетах вузов и при разработке дипломных работ. Материалы этого исследования будут полезными при составлении общих и отраслевых толковых словарей, а также при разработке учебников и учебных пособий касающихся деревообрабатывающей отрасли для специальных учебных заведений и профессионально технических колледжей.

Область применения: термины деревообрабатывающей отрасли узбекского языка употребляются в речи научных кадров автоматизированной деревообрабатывающей промышленности, появившейся на наших территориях в 1960-70 гг., а также в учебниках и учебных пособиях этой

сферы.

KE511ME

**ТЪезхз оГ МАЪа(оуа оп (Ъе асайетхс ёе^гее сотреШюп оГ (Ъе сапёхйа(е оГ рЫ1о1о2У зсхепсе, зрсахзКу 10.02.02 ШЪек кш^иа^е. 8иУес1:**

**«^ооё ргосеззхпв Ыгапсь (егтх по3о^у оГ 1Ъе ШЪек 1апџпаџе»**

Кеу хуогйз: (егт, (егтхпо1о21са1 рпсхр1е, уагхап(, 1еххса1 ёоиЫе(, (егтто1оџ1са1 зуз(ет, зетап(1са1 \у^ау оГ у/огё-Зогтайоп, тофЪолоџхса1 \уау оС угагй-Гогтайоп, зуп(асйса1 \уау оџ \Уогё-Гогта(юп, ЗехЗсаЗ зе(, 8етап(хсо-5уп1асйса1 \уау оџ \Уогё-логта(хоп, гаёхса1 (егт, ёеуа(хуе (егт, сотроипё (егт, ЗеххсаЗ зупопуту, аШха1 зупопуту, 1еххса1 аз&тайУепезз, тофЪетхс акетаЪуепезз.

8и^ес( оГ (Ъе хпщшгу: (ех(Боокз апё тапиаЪ оп \УООЙ ргосеззхпд Ыгапсь, пе\у\$рарег апё \_)оита1 агЛскк, Гхс(юп, ёхс(хопапез апё о(Бег зоиГСез.

АЗт оГ (Ъе Зпщшгу: геуеа1т\$ оГ а Базхз оГ (Ъе \уооё ргосеззт\$ Ыгапсь 1егтто1оџу зуз(ет оС (Ъе ШЪек Зап^иа^е, сЗаззхГхсаёоп оџ йз 1еххса1 зе(з, ёе&пШоп о( \уауз оџ (Бехг Гогтайоп, ёеуелортеп( апё \уауз оС \уогё-логта(юп, геуеаНпз оС 1аскз оС (Ыз (егхшпо1оџхса1 зуз(ет апё а ргезепсе оС \уауз оџ (Бехг еЗхтгаёоп.

Ме(1хоё оГ (Ъе ^шгу: зиретзюп апё сотрапзон, гезеагсь оГ (егтто1оџу аз а зуз(еш, сотрага(1Уе-Ыз1опса1, сЪагас(епз(хс апё \$епейс \уауз оС (Ъе апалуз1з.

КезиКз асьеуеё апё (ЪеЫ поуеКу: Гог (Ъе Гхгз( и те хп (Ъе ШЪек Ыпдшзёсз Ыаз Бееп таёе ап а((етр( о 1пуез(1\$а(е (Ъе зуз(ет оС (Ъе \уооё ргосеззтз (ептпо1оџу хп а топо^гарЫс р1ап аз а ит( - 1еххса1 зе(з оџ сотропеп(з оС (Ыз зуз(ет о! (егтз аге ёеХегттей, зетап(хса1, тогрЪолоџхса1 зуп(ас(1са1 \уауз оџ \Уогё-логта(юп аге тye5(1џа(её, йе^геез оџ еппсЪтеп( аге ёе(егттеё ёие (о ех(ета1 зоиГСез, Ыапкз оџ (Ъе (егтток>21са1 зуз(ет аге геуеакй апё \уауз оГ (Ъе\*г еЪттайоп аге зЪо\уп.

Ргас(1са1 уазие: гези1(з гесехуеё т (Ъе ^п^и^гу апё сопс1изхопз сап Ые аррБес! Гог аёёМоп оГ (Ъе (Беогейса1 Базхз оС 1ех1со1оџу апё (егтто1оџу оС (Ъе ШЪек 1ап2иаџе.

Бе^гее оГ етЪеё апё есопот1с еГГесИуку: (БеогеЪсаЗ Базез оџ \уогк сап Ые аррБес! а( саггут\$ ои( зетЗпагз о! зрес1а1 соигзез хп рЫ1о1оџЗса1 (аси1(хез оС Ы\$Ъ зсбоолз апё Бу ёеуелортеп( оГ (Зе\$гее шогкз. Ма(епаЗз оС (Ыз хпцихгу у/ЗИ Ые изеЛх1 а( с1га\уп\$ ир оС (Ъе \$епега! ап<3 Ыгапсь ехр!апа(огу йхсийапез, апё Бу (еуелортеп( оџ (ех(Боокз апй тапиалз сопсегпхпе \УООЙ ргосеззхпд Ыгапсь Сог зрсах1 е(Зиса(хопа1 хпзЫшьопз апсЗ соИедез.

ЗрЪеге оГ изаџе: (егтз оС \УООЙ ргосеззхп^ Ыгапсь оГ (Ъе БЗхЪек 1ап\$иаџе хз изей хп (Ъе зреесЪез оС (Ъе зсхепйГхс з(а^ оГ (Ъе аи(ота(е<1 \УООСЗ ргосеззхпе тёиз1гу хуЫсь Ыауе арреагеё хп оиг гезхоп хп 3960-70, апй а1зо хп (ех(Боокз апй тапиалз оџ (Ыз зрЪеге.

<sup>1</sup> Абдулаев Ф. Хоразм шевалари. 2 жилдпик. 1-жилд. - Тошкент, 1961. - 124-бет.

<sup>2</sup> Каралсин: Боровков А.К. Узбекский литературный язык в период 1905-

1917 г. - Ташкент, 1940. - С. 11; Усмон Олим, Хамитов Ш. Узбек тили лексикаси тарихидаги материаллар (XIX асрнинг охири - XX асрнинг бошлари). - Тошкент, 1981. - 320-бет.

<sup>3</sup> Русча-ўзбекча лугат. V томлик. IV том. - Тошкент, 1954. - 320 бет.

<sup>4</sup> Шу манба.

: Ўзбек тилининг нзоҳли лугати. 2 жилдлик. 1-жилд. - 240-бет.